

СУННАТ ВА ҲАДИС АҲЛИ ЭЪТИҚОДИНИНГ МУХТАСАР БАЁНИ

Носир ас-Сунна ал-Қураший
تقبله الله

1446 هـ

СУННАТ ВА ҲАДИС АҲЛИ ЭЪТИҚОДИНИНГ МУХТАСАР БАЁНИ

Носир ас-Сунна ал-Қураший

1446 ҳ.с



Барча ҳамду санолар Осмонлару ерларни, зулмату нурни яратган Аллоҳга хосдир. Сўнгра кофир кимсалар эса Роббиларига (бошқаларни) тенглаштирадилар.

Барча ҳамду санолар – ҳар халаф (кейин келган авлод)дан бу илмни кўтарадиган одилларини чиқариб қўйган Аллоҳга хосдир. Улар (аҳли илм) ғулувчиларнинг таҳриф (бузиш)ларини, сафсатабозларнинг тўқималарини, жоҳилларнинг таъвилини илмдан нари тутадилар.

Оламларга раҳмат, тавҳидга чақирувчи қилиб юборилган зотга саловату саломлар бўлсин.

Ундан кейин...

Билингларки – Аллоҳ бизу сизга раҳм қилсин – Аллоҳнинг бандаларига жорий қилган суннатлари алмаштирилмайди, ўзгартирилмайди. Бу нажот топувчи тоифа куфр ва илҳод аҳли билан, бидъатчи ва қайсарлар билан қилич ва қалам орқали, устун бўлган ҳолларида курашишда давом этади. Аллоҳ бу ерни ва унинг устидаги нарсаларни мерос қилиб олгунга қадар (яъни Қиёматгача) уларга ҳеч ким зарар бера олмайди.

Аллоҳдан (ушбу ишимизни) қабул қилишини ва Аҳли сунна вал жамоа ақидасидан жамлаганларимиз билан мўмин бандаларини манфаатлантиришини сўраймиз. Амийн.

1. Биз, Олийлигида буюк бўлган Аллоҳ таолодан бошқа (ибодатга лойиқ) илоҳ йўқ, Ундан бошқа ҳақ маъбуд йўқ, деб иймон келтирамиз. Субҳанаҳу – барча нуқсонлардан пок Зотга тавҳид калимаси исбот қилган нарсани исбот қиламиз, Ундан ширк ва тенгдошларни инкор қиламиз. “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) деб гувоҳлик берамиз ва бу калима Диннинг аввали ва охири, зоҳири ва ботинидир, деб гувоҳлик берамиз. Ким ушбу калимани айтса ва шартларига риоя қилса ва ҳақини адо қилса – бас у мусулмондир. Ким ушбу калима далолат қилган ишлар (буйруқ ва қайтариқларга) зоҳиран бўйсуниш (инқиёд) шартини бажармаса ёки у калимани бузувчи (ноқиз)лардан бирини қилса – бас у, ўзини мусулмон деб даъво қилса ҳам, бизнинг наздимизда кофирдир.

2. Биз Аллоҳу таолони Холиқ – яратувчи, Мудаббир – яратганларининг барча ишларини тадбир қилувчи, мулк барчаси Уникидир, барча ҳамду санолар Унга хосдир ва У барча нарсага

қодирдир деб иймон келтирамиз. У Аввалдир, Охирдир, Зоҳирдир ва Ботиндир деб, “Унга бирор нарса ўхшамайди ва У эшитувчи ва кўрувчидир” (Шуро:11) деб иймон келтирамиз. Аллоҳ таолонинг исмлари ва сифатларида (унинг маъноларини) бурмаймиз. У (исм ва сифат)ларни Китоб ва саҳиҳ Суннатда келганидек, кайфиятига киришмасдан, (махлуқларга) ўхшатмасдан, таъвил ёки таътил (инкор) қилмасдан Аллоҳга исбот қиламиз.

3. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг барча яратганлари: инсонлари-ю жинла-рига юборган элчиси деб иймон келтирамиз. У кишига эргашиш, барча буйруқларида итоат қилиш, у зот хабар берган барча нарсани тасдиқлаш (ишониш, иймон келтириш) ва унга таслим бўлиш вожибдир (дея иймон келтирамиз). Аллоҳ таолонинг ушбу: “Йўқ, (эй Муҳаммад алайҳиссалом) Роб-бингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйсунмагунларича, зинҳор мўъмин бўла олмайди-лар” (Нисо: 65), сўзини лозим тутамиз ва унга амал қиламиз.

4. Аллоҳнинг мукаррам фариштаtotal ларига иймон келтирамиз. Улар Аллоҳга Унинг буйруқларида осийлик қилмайдилар деб, уларни яхши кўриш иймондан ва уларни ёмон кўриш куфрдир, деб иймон келтирамиз.

5. Қуръон – ҳарфлари ва маънолари билан бирга, Аллоҳнинг каломидир ва у Аллоҳнинг сифатларидан биридир ва махлуқ эмасдир, деб иймон келтирамиз. Шунинг учун ҳам уни (Қуръонни) улуғлаш вожибдир, унга эргашиш лозимдир ва уни ҳакам қилиш фарз қилингандир.

6. Аллоҳнинг набийлари ва росулларининг барчасига иймон келтирамиз. Уларнинг энг аввали – Одам алайҳиссалом, охиргиси эса – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Улар (пайғамбарлар барчалари бир бирлари билан) суюкли оға-инидирлар, оламлар Роббисини яккалаш – тавҳид рисоласи билан юборилгандирлар.

7. Суннат – иккинчи ваҳийдир ва Қуръонни баён ва тафсир қилиб берувчидир, деб иймон келтирамиз. Ким бўлишидан қатъий назар, бирор кимсанинг сўзини деб саҳиҳ суннатда келган нарсага хилоф келмаймиз. Бидъатнинг кичиги-ю каттасидан четланамиз.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш – фарз ва қурубатдир. У кишини ёмон кўриш – куфр ва нифоқдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўрганимиз учун у кишининг аҳли байтларини ҳам яхши кўрамиз, уларни ҳурмат қиламиз, улар ҳақида ғулувга ҳам кетмаймиз, уларга бўҳтон ҳам қилмаймиз. Барча саҳобалар учун Аллоҳнинг розилигини сўраймиз. Уларнинг барчаларини одил деб биламиз ва улар ҳақида фақат яхши гап гапирамиз. Уларни яхши кўриш бизга вожибдир. Уларни ёмон кўриш бизнинг наздимизда нифоқдир. Улар ўртасида бўлган талашув-тортишувлар ҳақида тилимизни тиямиз. Улар бу нарсаларда таъвилга тушганлар. Улар энг яхши давр (вакиллари)дирлар.

9. Қадарга, унинг яхшиси ҳам ёмони ҳам – ҳаммаси Аллоҳ таолодан эканига; умумий хоҳиш ва мутлоқ ирода Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога хос эканига; У нимани хоҳласа бўлиши, нимани хоҳламаса бўлмаслигига; Аллоҳ таоло бандаларнинг феълларини яратувчиси экани ва бандалар, Аллоҳнинг изнидан сўнг, қиладиган ишларини ихтиёр қила олишларига; Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қазои қадари Унинг

раҳмати ва фазли ва адолатидан ташқарига чиқмаслигига иймон келтирамиз.

10. Қабр азоби ва қабр неъмати ҳақ эканига; лойиқ бўлган кимсани Аллоҳ Ўзи хоҳласа азоблашига, агар хоҳласа уни кечиришига иймон келтирамиз. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган саҳиҳ ҳадисга ва Аллоҳ таолонинг: “Аллоҳ иймон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам устивор Сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур” [Иброҳим: 27] оятига биноан, қабрда икки фаришта (бандаларни) сўроқ-савол қилишига иймон келтирамиз.

11. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга, охират кунига иймон келтирамиз. Амаллар ва бандалар Аллоҳга рўбарў қилинишига иймон келтирамиз. Ҳисобга, мезонга, ҳавзи (кавсар)га, сиротга, жаннат ҳақ ва дўзах ҳақ эканига иймон келтирамиз.

12. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган саҳиҳ ҳадисларда зикр қилинган Қиёмат аломатларига иймон келтирамиз. Одам алайҳиссалом яратилганидан то Қиёматгача (замон ичидаги) энг буюк фитна бу Дажжол масиҳ фитнаси (деб иймон келтирамиз). Ийсо алайҳиссалом адолатни қоим

қилиш учун тушадилар деб иймон келтирамиз. Пайғамбар минҳожидаги хилофат қайтишига иймон келтирамиз.

13. Аллоҳ муваҳҳидлардан баъзиларини шафоатчиларнинг шафоати билан дўзахдан чиқаришига ҳамда шафоат Аллоҳ изн берган ва (шафоат сўраб) сўзлашига рози бўлган кишиларнинг ҳақи эканига иймон келтирамиз.

14. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатларига ва у кишига Қиёмат куни мақталган мақом берилишига иймон келтирамиз.

15. Иймон – сўз, амал ва ниятдир: қалбнинг ва тилнинг сўзи ҳамда қалбнинг, тилнинг ва тана аъзоларининг амалидир, деб иймон келтирамиз. Буларнинг баъзиси баъзисидан ажралмайди; қалбнинг эътиқоди бу унинг сўзи ва амалидир; қалбнинг сўзи эса билиши ва тасдиқлашидир, қалбнинг амаллари эса муҳаббат, қўрқув ва умид кабилардир.

16. Иймон тоат билан зиёда бўлади, маъсият билан камаяди, деб иймон келтирамиз. Сўзлари рост бўлган ва барча сўзлари Роббилари томонидан тасдиқланган зот солллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганидек: иймоннинг шўъбалари бўлиб, энг олийси “Ла илаҳа

иллаллоҳ” калимаси ва энг қуйиси йўлдан азият берувчи нарсани олиб ташлашдир. Иймон шўъбалари ичида: тавҳид, “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммад росулуллоҳ” гувоҳлиги, намоз каби Шореъ (Аллоҳ таоло) очиқ нассларда уни ким бузса ёки тарк қилса, иймони завол бўлиши хабарини берган асллари бор бўлиб, у йўқолса иймон ҳам йўқолади. Яна иймон шўъбаларидан: иймоннинг вожиблари бордир. Улар завол бўлиши билан иймон ноқис бўлади. Мисол учун: зино, хамр (маст қилувчи) ичиш, ўғрилик (булар маъсият бўлиб, уни қилса иймон камаяди).

17. Муваҳҳидлардан ва қибламизга қараб намоз ўқиганлардан бирор кимни зино, хамр (маст қилувчи) ичиш, ўғрилик каби гуноҳлар сабабидан, модомики уларни ҳалол санамас экан, такфир қилмаймиз. Иймон масаласида бизнинг сўзимиз ғулувга кетган хаворижлар билан бепарво муржиаларнинг ўртасидадир.

18. Куфрнинг каттаси ва кичиги бордир. Уни қилган киши хоҳ эътиқодида, хоҳ сўзида, хоҳ амалида куфр қилган бўлсин, у одамга унинг ҳукми тушади (деб иймон келтирамиз). Аммо бир муайян кишининг такфири ва унга дўзахда абадий қолади деб ҳукм

қилиш эса – такфир шартлари топилиши ва монеликлари йўқлигида тўхталади. Шунга кўра биз мукофотлар ваъда қилинган, азобдан қўрқитилган, куфр ва фисқ ҳукми берилиши борасидаги нассларни мутлақ (умум ўларок) айтамиз. Муайянга эса, то унда (ўша куфр амали ёки сўзининг) ҳеч қандай монеълиги бўлмаган далолати топилмагунча, уни бу умумга кирди, дея ҳукм қилмаймиз. Гумон, маол (қилинган иш олиб борадиган натижа) ёки сўздан келиб чиқадиган лозим билан такфир қилмаймиз.

19. Аллоҳ ва росули такфир қилганни такфир қиламиз. Исломдан бошқасини ўзига дин қилган ҳар бир кимсани такфир қиламиз. Унга ҳужжат етган бўлсин ёки етмаган бўлсин – фарқи йўқ. Аммо охират азобига келганда, у фақат ҳужжат етган кишигагина берилади. Аллоҳ таоло айтди: “То бир пайғамбар юбормагунча азобловчи эмасмиз” [Исро: 15]

20. Ким икки шаҳодатни нутқ қилса ва бизга исломни изҳор қилса, Исломни бузувчи бирор бир амалга тушмаган бўлса – унга мусулмонга қилинадиган муомалани қиламиз. Ичидаги сирини эса Аллоҳ таолога ҳавола қиламиз. Бизга дин шиорлари (зоҳир амаллари)ни изҳор қилган кимсага

(ўша дин) аҳлининг ҳукмлари жорий қилинади. Одамларнинг ишларига зоҳирига кўра баҳо берилади, сирларни эса Аллоҳ билгувчидир.

21. Шиа ва рофизалар – бизнинг наздимизда – ширк, ридда ва ҳарб – уруш тоифасидир.

22. Диёрлар, агар у ерда куфр шиорлари (амал, ибодат, рамзлари) олий бўлса, Ислом ҳукмлари қолиб, куфр ҳукмлари устун бўлса – ундай ер куфр диёридир, дея эътиқод қиламиз. Бундан у диёрда яшовчиларни такфир қилиш лозими келиб чиқмайди. Ғулувга кетганларга ўхшаб: “одамлардаги асл, мутлақ суратда, куфрдир”, демаймиз. Аксинча, одамлар ҳар бири ўз ҳолига кўра (ҳукм қилинади): уларнинг ичида мусулмони бор, кофири бор.

23. Илмонийлик (секуляризм, дунёвийлик) – миллатчилик, ватанпарастлик, коммунизм, баъсий-лик (Баъс партияси – Сурияда асос солинган социалистик куфрий партия) каби кўринишлари ва мазҳаблари ҳар хил бўлиши билан биргаликда, (ҳаммасини) очиқ куфр, Исломни бузувчи, диндан чиқарувчидир, деб биламиз.

24. Далил олиш асослари бизда: энг афзал илк уч даврда яшаб ўтган салафи солиҳлар тушунчаси билан тушунилган Қуръон ва суннатдир.

25. Ҳар қандай яхши ва гуноҳкор, ҳоли бизга яширин мусулмоннинг орқасида намоз ўқишни жоиз деб биламиз.

26. Жиҳод – имом бор бўлса ҳам йўқ бўлса, у золим бўлса ҳам одил бўлса ҳам – Қиёматгача давом этади. Агар имом йўқ бўлса, жиҳод кечиктирилмайди. Чунки уни кечиктириш сабабли ундан келадиган фойда ўтказиб юборилади. Агар ғанимага эришилса, унинг аҳли (ғанима олганлар) уни шариат бўйича тақсим қиладилар. Ҳар бир мусулмон, ҳаттоки бир ўзи қолиб кетса ҳам, Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қилиши керак.

27. Мусулмонларнинг қонлари, шарафлари ва мол-лари, бизнинг наздимизда, ҳаромдир. Фақат шариат мубоҳ қилган ҳамда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ҳаромлигини) бекор қилганлари бундан мустасно.

28. Агар кофирлар (тоифа, қўшин)дан бири мусул-монларнинг ҳурумоти (қонлари, шарафлари, мол-лари, ерлари)га ҳужум қилса – ана унда жиҳод фарзи айн бўлади, у учун бирор бир шарт қўйилмайди ва (душман) имкон қадар даф қилинади. Чунки иймон-дан кейин (иймон келтириш вожибидан кейинги

ўринда), дин ва дунёни бузувчи босқинчи душманни даф қилишдан ҳам вожиброқ нарса йўқдир.

29. Ридда куфри – ижмо билан – аслий куфрдан қаттиқроқдир. Шунинг учун, бизнинг наздимизда муртадларга қарши жанг қилиш аслий кофирга қарши жанг қилишдан олдин туради.

30. Имомат (мусулмонларга имомлик, раҳбарлик қилиш) кофирга берилмайди. Агар имомдан куфр содир бўлса, у раҳбарлик ҳукмидан чиқади ва унга тоат қилиш соқит бўлади. Мусулмонларга эса унга қарши қўзғолиш, уни мансабидан олиб ташлаш ва имконлари бўлса (бошқа) одил имом тайинлаш вожиб бўлади.

31. Дин – ҳидоятга бошловчи Қуръон ва ғалабага олиб борувчи қилич билан қоим бўлади. Шунинг учун бизнинг жиҳодимиз қилич ва найзалар ҳамда ҳужжат ва баён билан бўлади.

32. Ким Исломдан бошқасига чақирса ёки Динга таъна урса – кофир бўлибди. Ёки бизга қилич кўтарса – у биз учун муҳориб (жанг ҳолатидаги душман) дир (яъни мана шулар биз учун уруш ҳолатидаги муҳориб тоифадир).

33. Тафриқа ва ихтилофни рад этамиз. Сўзни жамлаш ва иттифоққа чақирамиз. Умум мусулмонлар

учун қоим қилиш фарзи кифоя бўлган Исломий хилофат қуришга ҳаракат қиламиз. Агар уни бир тоифа қоим қилса, қолган барчадан соқит бўлади. Аҳли ҳалл вал акд томонидан байъат берилган мусулмонлар имомига қулоқ солиш ва итоат қилиш вожибдир дея имон келтирамиз. Унинг итоатидан чиқиш, хилофсиз, ҳаромдир. Ким (қарши) чиқса – даъват (насиҳат) қилинади, сўнгра (агар қайтмаса) то қайтгунича у билан жанг қилинади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса – жоҳилият ўлими билан ўлибди.

34. Бир мусулмонни ижтиҳодий масалаларда гуноҳкорга чиқариб ёки яккалаб, тарк қилиб қўймаймиз.

35. Уммат, хусусан мужоҳидлар бир байроқ остида жамланиши вожиб деб биламиз.

36. Мусулмонлар – бир умматдир. Арабининг ажамидан устунлиги йўқдир, фақат тақвоси билан (устундир). Мусулмонларнинг қонлари тенгдир. Уларнинг энг қуйи (мартабадаги)си (бирор кофирга) зиммат (омонлик, аҳд) берса (қолган мусулмонлар ўша аҳдга вафо қиладилар). Аллоҳ таоло бизни номлаган (мусулмонлар деган) номдан бош тортмаймиз.

37. Аллоҳнинг дўстларини дўст биламиз ва уларга ёрдам берамиз. Аллоҳнинг душманларини душман деб биламиз ва ёмон кўрамиз, улардан юз ўгирамиз ва безор бўламиз. Ислом динидан бошқа барча динларни инкор қиламиз. Бу йўлда Қуръон ва суннат йўлидан юрамиз. Бидъат ва залолат йўлларидан четланамиз.

38. Олимларимизни ҳурмат қиламиз, уларни иззат-эҳтиром қиламиз ва уларнинг фазллари ва ҳақларини биламиз. Уларни (хато ва гуноҳдан) маъсум деб билмаймиз. Зеро хато, тойилиш ва маъсиятдан пай-ғамбарларгина (алайҳимус салом) маъсумдир. Амал қилувчи олимлар – ҳақни далили билан танишга василадирлар. Раъйларига кўра берган фатволарини маҳкам ушлаб олишга ёки улардан бири хато қилса ёки далилга мухолиф келса (ҳам), унга эргашишга ёки унга мутаассиблик қилишга мажбур эмасмиз. Далилга эргашиш авлодир. Биз Аллоҳга у (далил) билан ибодат қиламиз ва унинг устида Унга учраймиз.

39. Амал қилувчи, содиқ олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир, деб эътиқод қиламиз. Роъий (раҳ-бар) ва раъия (фуқаро)га келадиган нозила (ҳар бир замонда янги пайдо бўлган мусибатли воқеа-ҳодиса)

масалалар ва омма ишлари уларга қайтарилади. Улар эса ўша масалалар бўйича воқеликни ўрганиб чиққанларидан сўнг, шариатга мувофиқ суратда фатво берадилар.

40. Нажот топувчи тоифа бу – аҳли сунна вал жамоатдан бўлган, ичларида илм ва жиҳодда имомлик ва раҳбарлик мақоми қоим бўлган кишилардир. Улар илм ва амал тоифасидир. Аллоҳнинг йўлида жанг қилишда давом этадилар. Уларни ёрдамсиз ташлаб қўйганлар ёки қарши чиққанлар уларга зарар бера олмайди. Улар мана шу ҳолда то Исо алайҳиссалом ерга тушгунларича давом этадилар. Уларнинг охиргиси Дажжол билан жанг қилади. Сўнгра улар шундай ҳолда эканларида Аллоҳнинг амри (Қиёмат) келади. Тугади.

جَمْعُ وَتَرْتِيبُ/نَاصِرُ السُّنَّةِ القُرَشِيّ

Жамловчи ва тартибловчи: Носир ас-Сунна ал-Қураший

Барча ҳамду санолар оламлар Робби Аллоҳга хосдир.

